

6-1-2020

ISSUES OF APPLICATION OF INDICATORS OF FINANCIAL REPORTING IN THE PROCESS OF ANALYSIS OF FINANCIAL CONDITION OF ENTERPRISES WITH STATE PARTICIPATION

A. Akramov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Akramov, A. (2020) "ISSUES OF APPLICATION OF INDICATORS OF FINANCIAL REPORTING IN THE PROCESS OF ANALYSIS OF FINANCIAL CONDITION OF ENTERPRISES WITH STATE PARTICIPATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 24.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

А.Б.Акрамов

Тошкент молия институти

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда молиявий таҳлилнинг усулларидан самарали фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган. Бу корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилини ўтказишнинг амалиёти қиёсий таҳлил қилиниб, мавжуд айрим коэффициентларнинг сунъий банкротликка олиб келиши эҳтимоли аниқланиб, уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ночорликни баҳолаш ва банкротликдан чиқариш моделлари солиштирилиб, Республикамиз иқтисодиёти учун мақбул моделни танлаш бўйича илмий таклифлар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: мулкчиликда давлат улуши, молиявий соғломлаштириш, қайта ташкил этиш, молиявий таҳлил, молиявий мустақиллик, ликвидлик.

ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В ПРОЦЕССЕ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ С ГОСУДАРСТВЕННЫМ УЧАСТИЕМ

В данной статье исследованы вопросы эффективного использования методов финансового анализа в оценке финансово-хозяйственной деятельности предприятий с государственным участием. В результате сравнительного анализа финансового состояния этих предприятий, определена вероятность приведения некоторых действующих коэффициентов к искусственному банкротству, разработаны рекомендации по их совершенствованию. В частности, сравнив модели оценки экономической несостоятельности и вывода с состояния банкротства в развитых странах, даны научные предложения по выбору оптимальной модели для экономики Республики.

Ключевые слова: Государственная доля в имуществе, финансовое оздоровление, реорганизация, финансовый анализ, финансовая независимость, ликвидность.

ISSUES OF APPLICATION OF INDICATORS OF FINANCIAL REPORTING IN THE PROCESS OF ANALYSIS OF FINANCIAL CONDITION OF ENTERPRISES WITH STATE PARTICIPATION

This article explores the issues of the effective use of financial analysis methods in assessing the financial and economic activities of enterprises with state participation. As a result of a comparative analysis of the financial condition of these

enterprises, the probability of bringing some existing ratios to artificial bankruptcy is determined, recommendations are developed for their improvement. In particular, comparing the models for assessing economic insolvency and the conclusion from the state of bankruptcy in developed countries, scientific proposals are given for choosing the optimal model for the economy of the Republic.

Key words: State share in property, financial recovery, reorganization, financial analysis, financial independence, liquidity.

КИРИШ

Давлатимиз раҳбари томонидан давлат улушига эга 3 мингга яқин корхонани инвентаризация қилиш зарурлигини, хусусий сектор ва рақобат ривожланиб бораётган соҳаларда давлатнинг иштирокини кескин камайтириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Бу муҳим вазифаларни ижро этиш мақсадида Республикамиздаги 2965 та давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти танқидий ўрганилиб, давлат мулкани бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар шакллантирилди. Жумладан, агентлик томонидан давлат активларини самарали бошқариш, иқтисодиётда давлат иштирокини кескин камайтириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишга қаратилган 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Бу ҳужжатлар билан 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш, уларни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш назарда тутилмоқда. Иқтисодиётдаги давлат иштирокининг аниқ мезонлари белгиланмоқда. Натижада мамлакат тарихидаги йирик хусусийлаштириш дастури тасдиқланиши кутилмоқда. Мазкур дастурга биноан 1115 та давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар хусусий секторга сотилиши режалаштирилган [1].

Юқоридаги долзарб ва муҳим вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш вазифаси қўйилган [2]. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкоралик тамойилларини татбиқ этиш каби ишларни яқунлаш зарурлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш чора-тадбирларида белгиланганидек, Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йилдан бошлаб, давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвалини ҳар йили тасдиқлаши белгилаб қўйилди. Шунингдек, 2020 йилнинг 1 июнига қадар унинг расмий веб-сайтида мазкур жадвални эълон қилинишини таъминлаш вазифаси қўйилган [3].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

М.Қ.Пардаевнинг фикрича молиявий барқарорлик коэффициентлари гуруҳи компания эгалари ва кредиторлар ўртасидаги таваккалчиликнинг қандай тақсимланганлигини кўрсатади. Унда молиявий қарамлик ва молиявий мустақиллик, активларнинг қарамлик коэффициенти, фоизни қоплаш коэффициенти каби коэффициентлардан фойдаланиш таклиф қилинган [4].

Иқтисодчи олим Б.Ж.Хақимов корхоналарнинг жами активлари таркибида пул маблағлари энг муҳим молиявий актив сифатида тан олинишини эътироф этади. Демак корхонанинг тезкор ликвидлиги яъни жорий активлари билан жорий мажбуриятларини қоплаш коэффициенти айнан пул маблағларига боғлиқ бўлган муҳим иқтисодий кўрсаткичдир [5].

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш, уларни банкротликдан чиқариш ва молиявий соғломлаштириш моделини танлаб олинишига бевосита боғлиқдир. Халқаро тажрибани тадқиқ этиш натижаларининг гувоҳлик беришича, ҳозирги кунда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича жаҳонда 2 та йўналиш амал қилмоқда: Биринчи йўналишнинг моҳияти шундан иборатки (АҚШ, Франция ва бошқа давлатларда) банкротликка оид ҳуқуқ нормаларида ночор аҳволга тушган корхона имкон қадар сақлаб қолиб, уни молиявий соғломлаштиришга кўпроқ эътибор берилади. Бундай тажриба Республикамиз иқтисодиётида қўлланилган бўлиб, иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларининг балансига ўтказилиб, уларни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилган.

Қонунчиликдаги иккинчи йўналиш бўйича (Англия, Германия ва бошқа давлатларда) банкротликка оид қонунчиликнинг моҳияти асосан ночор аҳволга тушган корхона тезроқ тугатиб (банкрот қилиб), унинг кредиторлари қарзини қайтаришга қаратилган бўлади [6]. Мазкур тажрибадан иқтисодиётимизнинг ҳозирги ривожланиш даврида фойдаланиш мўлжалланмоқда. Бунда корхоналарни қайта ташкил қилиш, уларнинг мулк шаклини ўзгартириш, хусусан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича стратегик режалар тузилмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий аҳволи ночор бўлган ва молиявий соғломлаштирилиши талаб этиладиган корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун ҳуқуқатимизнинг амалдаги қарорига биноан қуйидаги асосий кўрсаткичлар (мезонлар) қўлланилади [7]:

- тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициенти;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти;
- активлар ва харажатларнинг рентабеллилик коэффициенти.

Шунингдек, қуйидаги кўшимча кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилган:

- ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффиценти;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти;
- асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти.

Халқаро амалиётга назар соладиган бўлсак, Индонезиялик иқтисодчилар Э.Эндри, А.Сумарно, Ҳ.Сарагилар компаниянинг озиқ-овқат ва ичимликлар тармоғидаги молиявий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида тадқиқот олиб боришган. Ушбу тадқиқотнинг йўналиши молиявий кўрсаткичлар таҳлили бўлиб, унда тўртта турдаги молиявий коэффицентларни қўллаш тавсия этилган, хусусан, ликвидлик коэффицентлари: соф айланма капитал; жорий ликвидлик коэффиценти; тезкор ликвидлик коэффиценти ва мутлоқ ликвидлик коэффиценти, шунингдек, тўлов қобилияти коэффицентлари, рентабеллик кўрсаткичлари ва бозор фаоллиги коэффицентлари [8].

Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффиценти корхонанинг баҳоланувчи қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш имкониятларига эгаллигини кўрсатади. Коэффицентнинг камайиши корхона тўлов имкониятларининг пасайганлигини кўрсатади.

Коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$T_{\text{кк}} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар – узоқ муддатли мажбуриятлар}} = \frac{A_2}{P_2 - U_{\text{мм}}}, \text{ бунда:}$$

A_2 — жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқалар), баланс активининг II бўлими, 390-сатри;

P_2 — мажбуриятлар, баланс пасивининг II бўлими, 770-сатри;

$U_{\text{мм}}$ — узоқ муддатли мажбуриятлар, баланс пасивининг II бўлими, 490 сатри.

Тўлов қобилияти коэффицентининг энг паст нуқтаси (мезони) ҳисобот даври якунида 1,25 коэффицентдан кам бўлса, корхона тўловга қодир эмас, деб баҳоланади.

Иқтисодчи олим М.Раҳимов, тўлов қобилияти (қоплаш) коэффицентини жорий ликвидлик даражаси коэффиценти (Кл) деб номлаган ва уни аниқлаш учун оборот активларни жорий мажбуриятларга бўлишни таклиф этган. Бунда муаллифнинг “жорий активлар ликвидлиги” атамасини қўллаганлиги иқтисодий моҳиятига кўра формуланинг мазмунини ўзида тўлиқ акс эттирган [6].

Фикримизча, амалдаги низом ва регламент бўйича эса бу атамани “тўлов қобилияти” деб номланиши ўз моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди, деб ўйлаймиз. Бунинг боиси, тўлов қобилияти нафақат жорий, балки узоқ муддатли активлар бўйича ҳам тўловларни ўз ичига қамраб олиши билан изоҳланади.

Активлар ва харажатларнинг рентабеллик коэффиценти корхонанинг молия-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади.

Мамлакатимизда халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда активлар рентабеллиги коэффиценти ҳисобот йили якунига кўра қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$A_{рк} = \frac{C_{тф}}{\dot{Y}_6}, \text{ бунда:}$$

$C_{тф}$ – солиқ тўлагунга қадар фойда;

\dot{Y}_6 — баланс активи ёки пассивининг жами суммаси.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, юқоридаги формулани ҳисобот йилининг соф фойдаси (таксимланмаган фойда)га нисбатан ҳисоблаш бу коэффицентнинг аниқлигини оширишини ва корхона ихтиёрида қоладиган қайта инвестициялаш ёки истеъмол жамғармасини шаффоф ҳолда кўрсатиб беради, чунки солиқ тўлагунча бўлган фойда бу ҳали корхонанинг рентабеллигини тўлақонли ўзида мужассам эта олмайди.

Агар ҳисобот даври учун рентабеллик коэффицентлари нолдан паст (манфий кўрсаткич) чиқса, корхона зарар кўриб ишлаётган; 0,05 дан паст чиқса, корхона паст рентабелли (монопол корхоналардан ташқари) ҳисобланади.

Б.А.Хасановнинг таклифича активлар рентабеллигини аниқлаш бозор муносабатлари шароитида жуда муҳимдир. Бунинг учун қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш зарур, чунки ривожланган мамлакатларда капитал рентабеллиги акциядорлик капиталининг рентабеллиги билан ўлчанади. Уни ҳисоблаш учун муаллиф Дюпон формуласи ва пирамидасидан фойдаланишни таклиф қилади. Бунга иккита омил таъсир қилади. Биринчи омил капиталнинг даромадлилиги бўлса, иккинчи омил капиталнинг айланувчанлик коэффиценти ҳисобланади [9].

Хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигини ҳисоблашни унинг мол-мулкига ва капиталига нисбатан ҳисоблашни Э.А.Акрамов, М.М.Тўлахўжаева, А.Н.Ли ва бошқалар ҳам тавсия қилишган. Ушбу формула қуйидаги кўринишга эга:

$$\text{Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллик коэффиценти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}} \quad [10]$$

Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффиценти (жорий молиявий мустақиллик) қарз маблағларини ўз маблағлари манбалари билан қоплаш (қайтариш) даражасини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. www.president.uz/uz/lists/view/3324.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2020 йил 24 февраль. www.uza.uz/oz/documents/moliyaviy-isobotning-khal-aro-standartlariga-tish-b-yicha-sh-25-02-2020

4. М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, А.А.Абдиев, Б.И.Исроилов Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Уқув кулланма. Тошкент, Солик; Академияси, 2008. – б.52

5. Хакимов Б., Холмирзаев У. Пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил., www.interfinance.uz/en/

6. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma Raximov M.Yu. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013. b. 252-256

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 14 декабр, 1013-сон. 2-илова. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш регламенти. www.lex.uz/docs/4106617

8. Analysis of Financial Performance: Evidence from Food and Beverage Companies in Indonesia. E.Endri, A.Sumarno, H.Saragi. International Journal of Advanced Science and Technology, Vol. 29, No. 5, (2020), pp. 4199 - 4208. www.scopus.com

9. Calculation of the invested capital profitability in the financial condition analysis process. Khasanov B.A., Mukumov Z.A., Alikulov A.I., Djumanova A.B., Eshboev U.T., Hasanova R.B. International Journal of Advanced Science and Technology, Vol. 28, No. 14, (2019), pp. 42-48. www.scopus.com

10. Акрамов Е.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. О'қув қ'лланма. – Т., 2007. б.97